



2010 йил — Баркамол авлод йили

КЕЛАЖАК БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

Мамлакатимизда ёш авлодни юксак маънавият, соғлом ва теран тафаккур соҳиби этиб тарбиялаш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Бу борада қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умумий миллий дастури жаҳон андозаларига жавоб берадиган ўқув-муассасаларни барпо этиш, уларни замонавий ўқув-усулбуй анжомлар, компьютер техникаси билан жиҳозлаш, таълим сифатини янги босқичга кўтариш имконини бермоқда.

— Ёшларимизни билимли, изланувчан, ҳар томонлама етук шахслар қилиб тарбиялаш, ўз устида ишлашни, изланишни ўргатиш, онг ва тафаккурини янада шакллантириш ўқувчилар зиммасидаги энг масъулиятли вазифалардан биридир, — дейди 243-мактаб директори Насиба Нишонова. — Баркамол авлод онги ва қалбига юртга муҳаббат, миллий истиқлол гояларига садоқат, маънавий ва маданий меросимизга, урф-одатларимизга ҳурмат ҳиссини синдириш таълим соҳасидаги ислохотларнинг бош мақсадларидан бўлиб, бу борада ўқув масканимиз жамоаси ҳам муайян ишларни амалга оширмоқда.

Дарҳақиқат, 2415 нафар ўқувчи таҳсил олаётган ушбу ўқув даргоҳи таълим-тарбия ишларининг узвий боғлиқлиги билан ҳам ахамиятлидир. 1973 йилда



қад ростлаган мазкур ўқув маскани 2007 йилда капитал таъмирдан чиқарилиб, бутунлай янги кўшма қиёфа кашф этди.

Мактабда ўқувчилар маънавиятини янада юксалтириш ва етук инсонлар қилиб тарбиялаш борасида қатор маънавий-маърифий йўналишдаги тадбирлар, давра суҳбатлари, ижодий учрашувларнинг ўтказилиши, уларнинг онг ва шуурининг янада теранлашувида муҳим аҳамият касб этади.

Ўқувчиларнинг саломатлигини мухтакамлаш йўлида спортнинг футбол, баскетбол, миллий кураш, таэквондо, шахмат-шашка каби турлари бўйича мунтазам равишда шуғулланаётган

ўсмирларнинг кўпчилиги туман ва шаҳар миқёсида ўтказиладиган мусобақаларда совринли ўринларни қўлга киритаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Мактабда тасвирий санъат, меҳнат, бисер тўқиш, хор, муסיқа, рақс ва турли фанларни чуқур ўзлаштиришга ихтисослаштирилган кўплаб тўғаракларнинг ўқувчиларнинг бўш вақтини унумли ва мазмунли ўтказиш, уларни иқтидорига қараб йўналтириш борасидаги самараси катта бўлмоқда.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА
СУРАТЛАРДА: мактаб ҳаётидан лавҳалар.
Козим Ўлмасов олган сураатлар

Йил танлови — 2009

ЭТИРОФ ЭТИЛГАН МАҲСУЛОТ ВА ХИЗМАТЛАР

Куни кеча истеъмолчилар томонидан эътироф этилган ишлаб чиқарувчиларнинг сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлари ҳамда хизмат кўрсатиш турлари бўйича голибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Анъанавий тарзда тўққизинчи бор ўтказиладиган мазкур тадбир мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларига халқаро нуфузли доиралардаги кўрик-танловларда қатнашиш учун кенг имкониятлар яратилганлигидан ёрқин далолатдир. Йил танлови ўтган йил давомида юртимизда деярли барча вилоятларни қамраб олган ҳолда, истеъмолчилар орасида маркетинг тадқиқотлар, интернет тизимида махсус сайтда сўровнома-лар ўтказиш орқали амалга оширилди. Ушбу тадбир таъкидлаш учун «Альтернатива ижтимоий ва маркетинг тадқиқотлар агентлиги» бўлса, ижтимоий-маркетинг тадқиқотлар Европа фонди, ЕЕССИТ (Брюссель) ҳамда Европа маркетинг тадқиқотлар маркази (EMRC) унинг ташаббускори ва расмий қўллаб-қувватловчиларидир.

Ҳамюртларимиз томонидан эътироф этилган импорт ўринли босувчи сифатли маҳсулот ишлаб чиқарувчилар: «Тошкент ёғ-мой комбинати» қўшма корхонасининг «Менинг орзум» савдо белгиси остидаги пахта ёғи; «Дворянское» савдо белгисига эга юмшоқ ёғ; «AAA GROUP» масъулият чекланган жамиятининг паррандачилик маҳсулотлари, «Интерсокс» қўшма корхонасининг табиий шарбатлари; «Сингапур—Самарқанд хори-

жий корхонасининг қўллаб турдаги музқаймоқлари; аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатувчи «Mercury service» компанияси нуфузли танлов голиблари бўлишди.

— Халқаро танловда бир неча бор голибларни қўлга киритган бўлишимизга қарамай, — дейди «Сингапур—Самарқанд» хорижий корхонаси бош директори ўринбосари Илхом Орзиқулов, — қалбимни фаҳр ҳисси чулғаб олган. Бойси жамоамизнинг меҳнати маҳсули бўлган маҳсулотларимиз бир неча йиллардан бунён аҳолига маҳсулотларидан эътироф этилаётган. Корхонамиз цехларида замонавий хорижий технологияли линияларнинг юксак самараси маҳсулот ишчи-хизматчиларга ҳақиқий мададор бўлмоқда. Асосий йилдан-йилга сифатга эътибор қаратган ҳолда ангидан-янги маҳсулотлар тайёрланиб, ички бозоримизда уларнинг харидорлигини таъминланмоқда. Яна шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, корхонамиз филиаллари кўпайиши баробарида янги иш ўринлари яратилмоқда.

Голибларни тақдирлаш маросими барча қатнашчиларни янги муваффақиятлар сари ундайдиган ўзига хос омил бўлади, деган умиддамиз.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Шеърят азал-азалдан маънавий тафаккурнинг маҳсули ўлароқ одамларни эзгулик тантанаси, гўзаллик ва жозиба сеҳрию қудратига ундаб келган.

Тадбирлар

МУШОИРА ЭТАДИ ДАВОМ

Тошкент банк ҳисоб-кредит коллежизда «Мушоира этади давом» мавзусида шеърят кенаси анъанавий равишда ҳар йили ўтказиб келинади.

Унда ёш иқтидор эгалари ўзларининг шеърий машқларини ота-оналари, ўқитувчи-мураббийлари, тенгдошлари ҳужмига ҳавола этадилар. Навбатдаги шеърят кенасида ўқувчилар озод ва обод ортимизни, унинг истиқлол йилларидаги қўрқу тароватини шеърый сатрларга жо этишга ҳаракат қилишди. Қизиқарли мушоира, фикр алмаштиш йўсинида ўтказилган кеча давомида иштирокчилар нафақат мустақиллик даврида янада мафтункорлик касб этган шеърятимиз, балки мумтоз бадиятимиздан ҳам хабардор эканликларини намойиш этишди. Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Машраб, Нодира ғазалларини ўқишиб, уларнинг умум-башарий моҳияти ҳақида фикр-мулоҳаза юритдилар.

Гулнора АДилова,
Тошкент банк ҳисоб-кредит коллежи она тили ва адабиёти ўқитувчиси

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчас мўлк биржаси» ЕАЖ бошлангич баҳоси охиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

1. Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан, туман суд бўлимида сақланаётган, «BA3-21074-110-30» русумли, д/р 10ВН306 бўлган, 2008 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда (ижро ҳужжати 15.09.2009й, №16298/7). Бошлангич баҳоси — 11 950 000 сўм.

2. Аукцион савдосига Бектемир тумани СИБ томонидан Бектемир т. Х.Бойқаро кўчаси, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказий ашларни сақлаш омборида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. «Нексия» русумли, д/р 20Т3677 бўлган, 2001 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 28.09.2009й, №1-262). Бошлангич баҳоси — 10 655 493 сўм. 2. «BA3-2106» русумли, д/р 30В4193 бўлган, 1976 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 22.10.2009й, №1-436). Бошлангич баҳоси — 1 666 635 сўм. 3. «GA3-2401» русумли, д/р 1101196 бўлган, и/ч йили йўқ автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 22.10.2009й, №1-436). Бошлангич баҳоси — 837 384 сўм. 4. «BA3-2101» русумли, д/р 01Н492AA бўлган, 1973 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 02.06.2009й, №1-302). Бошлангич баҳоси — 2 302 686 сўм. 5. «GA3-2401» русумли, д/р 30D1949 бўлган, 1984 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 22.10.2009й, №1-436). Бошлангич баҳоси — 942 056 сўм. 6. «GA3-2410» русумли, д/р 30P7328 бўлган, 1984 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 22.10.2009й, №1-436). Бошлангич баҳоси — 942 056 сўм. 7. «GA3-2401» русумли, д/р 11R1033 бўлган, и/ч йили йўқ автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 22.10.2009й, №1-436). Бошлангич баҳоси — 837 384 сўм. 8. «BA3-21011» русумли, д/р 30M3497 бўлган, 1980 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 10.04.2009й, №12-382). Бошлангич баҳоси — 868 691,2 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 9 март куни соат 11:00да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридagi автотранспорт воситалари 2010 йил 9 мартдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситаларини сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2010 йилнинг 30 март куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қилишди. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 228-79-52 телефон рақами ёки биржанинг www.fkmb.uz расмий вебсайти орқали олишингиз мумкин.

Шунингдек, 2010 йил 23 феврал куни соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига СИБ томонидан такроран қуйидагилар қўйилмоқда:

1. Бектемир тумани СИБ томонидан «BA3-217003-110-01» русумли, д/р 30X1927 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 21.01.2008й, №2-107). Бошлангич баҳоси — 11 704 824 сўм. 2. Миробод тумани СИБ томонидан, «BA3-2106» русумли, д/р 10С519AA бўлган, 1990 йилда и/ч автотранспорт воситаси. (ижро ҳужжати 04.09.2009й, №10442/11). Бошлангич баҳоси — 2 601 000 сўм.

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокчида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхташди.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилладиган закалат келишувга асосан, мўлк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ҳар бир мўлк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Илак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850., Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., Қорақамиш 1-кўчаси, 1-А-ўй. Тел: 228-79-52. www.fkmb.uz.

МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

16 январдан бошлаб

АФРИКАЛИК МЕҲМОНЛАР

ранг-баранг дастури

Томошалар шанба кунлари соат 15.00 да, яшанбада соат 12.00 ва 15.00 да бошланади.

Касса. Тел: 244-35-91, 244-35-94, 244-32-23. www.sitk.uz

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ
Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Навр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босята табоқ,
офсет усулида босилади.
4215 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича
турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтаамтига» — 233-74-05 телефонига
муурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер
марказида терилиб ва сақланади.

«Шарк» ношир-матбаа акциядорлик компанияси
босма хонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-ўй.